

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**ШНҚ 2.07.01-03* «ШАҲАРСОЗЛИК. ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚ АҲОЛИ ПУНКТЛАРИ
ҲУДУДЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҚУРИЛИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШ»
ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИНИНГ 3-БАНДИГА
ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 24 январда ҳисобга
олинди, ҳисоб рақами 230]

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексининг 71-моддасига мувофиқ буюраман:

1. «ШНҚ 2.07.01-03 «Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг 3-банди қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Ҳарбий объектлар ва бошқа режимли ҳудудларнинг чегараларидан 50 м гача бўлган масофада бино ва иншоотлар лойиҳаланмаслиги, мазкур ҳарбий объектлар ва бошқа режимли ҳудудларнинг чегараларидан 50 м дан сўнг, бино ва иншоотларнинг баландлигини 30 м гача лойиҳаланилиши лозим.

Агар бино ва иншоотлар баландлиги 30 м дан оширилганда ҳар бир метр баландлик учун мос равишда масофа ҳам 1,5 м га узайтирилиши керак.

Бино ва иншоотлар портлаш хавфи мавжуд объектларгача 400 — 5000 м масофада лойиҳаланиши зарур.»

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси билан келишилган.

3. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир Б. ЗАКИРОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 23 январь,
20-сон
Келишилди:

**Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси раиси Б.
ЮСУПАЛИЕВ**

2023 йил 18 декабрь

Мудофаа вазири Б. КУРБАНОВ

2023 йил 22 декабрь

Ички ишлар вазири П. БОБОЖОНОВ

2023 йил 20 декабрь

Фавқулодда вазиятлар вазири А. КУЛДАШЕВ

2023 йил 21 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондони Р. ДЖУРАЕВ

2023 йил 19 декабрь

Давлат хавфсизлик хизмати раиси А. АЗИЗОВ

2023 йил 25 декабрь